International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service
Vol. 1 Issue 1 | pp. 1-2 **| ISSN:** XXXX-XXXX
Available online @ https://globalconf.net/index.php/samisi

Article

Green Economy – An Important Direction Shaping The Future Of Our Country

Mamayunus Karshibaevich Pardaev*[1], Ozoda Mamayunusovna Pardaeva[2]

1. SamISI professor, doctor of economic sciences
2. Tashkent "Diplomat University" department head, Ph.D. Temur Olimovich Mamayunusov , SamISI assistant, independent researcher

* Correspondence: -

Abstract: This article examines the importance of developing and promoting a green economy in the socio-economic development of the country. It analyzes the effective use of natural resources, the widespread introduction of renewable energy sources, the development of energy-efficient technologies, environmental protection, and the achievement of ecological sustainability. Particular attention is paid to the priority areas of Uzbekistan's transition to a green economy, attracting investments, promoting environmental innovations, and creating new jobs. The green economy is considered a key factor in ensuring the country's long-term economic growth, improving people's living standards, and creating a favorable environmental conditions for future generations.

Keywords: green economy, sustainable development, environmental security, renewable energy sources, energy efficiency, natural resources, environmental innovations, carbon neutrality, green investments, environmental sustainability.

Citation: Mamayunus Karshibaevich Pardaev. Green Economy – An Important Direction Shaping The Future Of Our Country. International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service 2026, 1(1), 1-6.

Received: 12th Aug 2026
Revised: 26th Sept 2026
Accepted: 8th Oct 2026
Published: 21th Nov 2026

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted for open access publication under the terms and conditions of the Creative Commons Attribution (CC BY) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобаллашув ва интеграция-лашув жараёнида дунёда содир бўлаётган мураккат геосиёсий вазият, энергия ва сув ресурсларининг тақчиллиги, озиқ-овқатга эҳтиёжнинг ошиб бориши натижасида вужудга келган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчиллик билан давом эттиришни тақозо қилмоқда. Булардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қайд этганидиек: “Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди”[1]. Буни шу йилнинг январ ойида мамлакатимизга кириб келган совуқ оқимнинг осоратларида ҳам яққол кўринди. Ушбу қисқа вақтда халқимиз ғоят мураккаб ва синовли даврни бошидан кечирди. Эндиликда электр ва газ тармоқларини ривожлантириш бевосита “яшил иқтисодиёт” талабидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, “яшил иқтисодиёт” масаласи мамлакатимизда ўта долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, яшил иқтисодиёт мамлакатимиз келажагини белгиловчи муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. // https://president.uz/uz/lists/view/5774.

Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиётига ҳар бир йўналиш бўйича чуқур ўйланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, унга мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳар бир сарфланадиган инвестиция маблағларини ҳалол покира ишлатиш орқали машаққатли, жасоратли ва ҳалол меҳнат билан эришилади. Ушбу масалаларни ҳал қилиш бўйича муҳтарам Президентимиз олтита йўналишни белгилаб берди. Ушбу йўналишларнинг бешинчисида яшил иқтисодиётга ўтиш масаласи кўзда тутилган. Кўриниб турибдики ушбу мавзу келажакда ҳам ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ушбу вазифаларни амалга ошириш учун "Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, ***"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси*** доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз"[2], деб таъкидланган. Кўриниб турибдики, жорий 2023 йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши лозим экан. Демак, мамлакатимизда "яшил иқтисодиёт"ни шакллантиришда бирорта киши четда қолмайди. Ушбу ишга ҳамма масъул.

Зеро мазкур масала бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасида 2021 йилда ўтказилган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030" (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқида: "Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик қўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилма-хилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда "яшил тараққиёт" борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ"[3], деб таъкидлади.

"Яшил тараққиёт"га эришиш учун "яшил иқтисодиёт"га ўтишимиз ва уни ривожлантиришимиз лозим бўлмоқда. Шу туфайли мамлакатимизда бундай иқтисодиётни шакллантириш учун яшил иқтисодиётни ривожлантириш лозимлигини инобатга олиб, мамлакатимизда «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси белгилаб берилди. Президентнинг 2019 йил 4 октябрда "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси" тўғрисидаги ПҚ-4477-сонли қарори билан 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди. Ушбу стратегия бўйича "Яшил" иқтисодиётга ўтишнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Президентимиз ўзининг мурожаатномасида алоҳида таъкидлади: "Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли "яшил энергия"га ўтказилади. Аҳоли хонадонларида эса, қуёш панели ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади. Умуман, "яшил энергия"га тезроқ ўтмасак, бу

[2] Ўша жойда.
[3] https://zarnews.uz/post/yashil-iqtisodiyot-nima.

борада қонунларимизда ҳам аниқ механизмларни белгиламасак, аҳолимиз ва тадбиркорларимизни рози қила олмаймиз”[4]. Бунга эришиш учун мавжуд технологияларни модернизация қилиш ва молиявий механизмларни ривожлантириш ва назоратни кучайтириш лозим бўлади.

Кўриниб турибдики Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида асосий эътиборлардан бир йўналиши “Яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланади. Ушбу стратегияни амалга ошириш натижасида иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмалари 2010 йилдагига нисбатан 10 фоизга қисқартирилади. Газнинг бундай ишлардан тежалиши аҳолига газни етказиб бериш имкониятини оширади.

Мазкур стратегиянинг амалга оширилиши натижасида “100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари замонавий арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминланади. Бундан ташқари, экологик жиҳатдан яхшиланган мотор ёқилғиси ва автомобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш кенгайтирилади, электр транспорти ривожлантири-лади”[5]. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз келажаги бевосита “Яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш билан боғлиқдир. Булардан келиб чиқиб, оммага “Яшил иқтисодиёт”нинг ўзи нима, деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Яшил иқтисодиёт иқтисодиёт фанларининг бир йўналиш сифатида ўтган асрнинг охирида пайдо бўлган эди. Мазкур иқтисодиёт табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлиб, унинг бир йўналиши ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт тушунчаси иқтисодий фанлар ва фалсафанинг кўплаб бошқа соҳаларидаги ғояларни ўз ичига оладиган табиат ва жамият билан боғлиқ экологик иқтисодиёт, атроф-муҳит иқтисодиёти, ресурсларга асосланган иқтисодиёт, аҳолининг ривожланиши, феминизм иқтисодиёти каби яшил сиёсат билан боғлиқ иқтисодиётни ўз ичига олади.

Яшил иқтисодиёт бу иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаол омиллар эвазига ривожлантиришга қаратилган. Шундай қилиб, ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади.**

Бунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Биринчидан, аҳолининг эҳтиёжларини қондириб, уларнинг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун моддий неъматларни яратишни барқарор равишда экология ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан кўпайтириб бориш лозим бўлади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун энергия ресурслари керак бўлади, буларни қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан кўпайтириш, жамоат транспортини ҳам электр қуввати билан юрадиганларига алмаштириш, энергияни тежайдиган биноларни барпо қилиш каби йўналишларда ишларни олиб бориш кўзда тутилган. Бунда иқлим ва экология

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. // https://president.uz/uz/lists/view/5774.
[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрда имзоланган “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси” тўғрисидаги ПҚ-4477-сон қарори.

барқарорлигига имкон берувчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан чораларини кўриш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради.

Учинчидан, атроф муҳитга зарарли газларни чиқармайдиган, атроф-муҳитни асрайдиган, экологик тоза технологияларни яратиш орқали экологик тоза маҳсулотларни етиштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Бунда технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган "яшил" мезонларни киритиш ҳам лозим бўлади.

Тўртинчидан, бир томондан, табиатдаги барча ресурслар чекланган бир пайтда инсон эҳтиёжлари чексизлигини инобатга олиб, уларнинг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида неъматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни табиий ресурсларни камайтирмасдан амалга ошириш,. Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш ҳам долзарб масалалар сирасига киради.

Бешинчидан, аҳолининг доимий ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун қанча ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, кимга ва қайси ҳудудга мўлжаллаб ишлаб чиқариш масаласига атроф-муҳитни асраган ҳолда катта аҳамият берилади. Ушбу соҳада давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бугундан бошлаб "яшил иқтисодиёт"га ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишиб, уларнинг мураккаб йўналишларини жорий қилишга кўмаклашиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Олтинчидан, "яшил" иқтисодиёт соҳасида, юқори самарадорликка эришиш учун хорижий давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Бунда яшил иқтисодиётни такомиллаштириш бўйича тажрибалар билан ўртқлашиш ва шу соҳага йўналтириладиган мақсадли инвестицияларни жалб қилиш масалаларини илгари суриш ҳам лозим бўлади.

Еттинчидан, "яшил иқтисодиёт"ни шакллантириш ва уни ривожлантириш учун шу соҳани юритадиган кадрларни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ. Мазкур йўналиш бўйича таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, "яшил" иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ҳам йўлга қўйиш лозим бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, яшил иқтисодиёт бу иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаол омиллар эвазига ривожлантиришга қаратилган.

Иккинчидан, яшил иқтисодиётда инсон, табиат ва иқтисодиётнинг бир-бири билан уйғун ва барқарор ривожланишини таъминлаган ҳолда ҳаракат қилиш лозим бўлади. Бирор нарсани қиламан деб, иккинчи нарса йўқотилмайди. Масалан, уй қураман, деб дарахтлар аёвсиз кесиб ташланмайди, технологияларни кўпайтириш ҳаво атмосферасини заҳарли газлар билан тўлдириш эвазига амалга оширилмайди ва ҳ.к. Шу йўл билан барқарор тараққиётга эришиш бугунги кундаги глобал масалалардан биридир.

Яшил иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистоннинг узоқ муддатли иқтисодий тараққиётини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш,

экологик муаммоларни камайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг стратегик йўналишларидан биридир.

Мазкур мавзу бўйича илмий мақолада қуйидаги илмий-амалий таклиф ва тавсияларни илгари суришни лозим, деб топдик. Булар:

Биринчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда қуёш ва шамол электр станцияларини қуришни жадаллаштириш, корхона ва ташкилотларнинг томларида қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш, хонадонларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш корхоналарида энергия сарфини камайтирувчи технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тавсиянинг амалий натижаси энергия ресурсларига бўлган талабни қисқартиришга, электр энергияси таъминоти барқарорлигини оширишга ва экологик зарарни камайтиришга олиб келади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш лозим. Бунда сув тежовчи томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, органик деҳқончилик ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва органик ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тавсиянинг амалий натижада сув тежалади, тупроқ унумдорлиги сақланади, маҳсулот таннархи пасаяди ва қишлоқ хўжаликлари субъектлари даромадлари ошади.

Учинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, корхоналарда ресурсларни тежайдиган ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларига энергия тежовчи ускуналарни жорий этиш, хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, корхоналарда экологик аудит ва энергия аудитини ташкил этиш ҳам лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунинг амалий натижасида маҳсулот таннархи камайирилади, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади ва корхоналарнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланади.

Тўртинчидан, чиқиндиларни қайта ишлаш ва айланма иқтисодиётни ривожлантириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунга эришиш учун маиший ва саноат чиқиндиларини саралаш тизимини такомиллаштириш, пластмасса, қоғоз, металл ва бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, ишлаб чиқаришда иккиламчи хомашёдан фойдаланишни рағбатлантириш, «Чиқиндисиз ишлаб чиқариш» тамойилини босқичма-босқич жорий этиш лозим бўлади.

Ушбу тавсиянинг амалий натижасини чиқиндилар ҳажмининг камайишида, янги иш ўринлари яратилишида ва қўшимча иқтисодий қиймат шаклланишида кўриш мумкин.

Бешинчидан, яшил инвестициялар ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун экологик лойиҳаларга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, яшил кредитлар ва имтиёзли молиялаштириш механизмларини кенгайтириш, экологик самарадорликка эришган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш маханизмларини жорий қилиш, яшил облигациялар ва бошқа инновацион молиявий инструментлардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Бунинг амалий натижалари экологик лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларни кенгайтиради ва яшил иқтисодиётга хусусий секторнинг иштирокининг ортишига ҳам сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида белгиланган яшил иқтисодиётни мамлакатимизда ривожлантиришга қаратилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади. Булардан кўриниб турибдики, яшил иқтисодиёт – мамлакатимиз келажагини белгиловчи муҳим йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.